

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

107 Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 5 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2659

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 4 февраль,
01-02/3-07-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил
4 февралдаги 01-02/3-07-сон қарорига
ИЛОВА

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Олий ҳарбий божхона институтига (бундан буюн матнда Институт деб юритилади) ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Институтга номзодларни ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Бутлаш режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг Институтга қабул ўринларини ажратиш тўғрисидаги буйруғига асосан амалга оширилади.

2. Институт тингловчилари контингентини сифатли бутлаш учун:
ҳарбий-профессионал йўналиш;
дастлабки танлаш;
ҳарбий-профессионал танлаш;
тест синовларини назарда тутувчи комплекс босқичма-босқич танлаш амалга оширилади.

3. Институтга:
ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ–257-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом талабларига жавоб берадиган;
ҳарбий хизматни ўтамаган 17 ёшдан 21 ёшгача (қабул йилида 17 ёшга тўладиганлар) бўлган;

ҳарбий офицерлар таркиби унвонларига эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий хизматни ўтаган 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинадилар.

Номзодларнинг бўйи 170 см дан (қиз болалар учун 165 см) паст бўлмаслиги лозим.

4. Номзодлар, уларнинг ота-оналари Институтга ўқишга киришидан олдин Институт раҳбарияти томонидан Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2024, 2009 йил 27 октябрь) мувофиқ моддий масъуллиги тўғрисида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ёзма равишда огоҳлантирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплексида (бундан буён матнда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) танлаш ва қабул қилиш ишларини амалга ошириш мақсадида ҳудудий бошқарма бошлиқлари буйруқлари билан ишчи гуруҳлар тузилади.

Ишчи гуруҳга ҳудудий бошқарма бошлиғининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосари раҳбарлик қилади. Ишчи гуруҳ таркибига ҳудудий бошқармаларининг кадрлар бўлими (бўлинмалари) бошлиқлари, бошқа бўлим, бўлинма, гуруҳ ҳамда хизматлар бошлиқлари, шунингдек мутахассис психологлар киритилиши лозим.

6. Ишчи гуруҳларини тузиш бўйича буйруқда уларнинг вазифалари аниқ кўрсатилиши шарт.

7. Ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини ҳар йили 20 январь кунидан 31 август кунига қадар амалга оширади.

8. Институтга ўқишга қабул қилиш учун Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан Институтда қабул комиссияси тузилади ва унинг таркиби тасдиқланади.

9. Қабул комиссиясига Институт бошлиғи раҳбарлик қилади. Қабул комиссияси таркибига Давлат божхона қўмитаси ва Институтнинг тегишли соҳавий хизмат ходимлари киритилади.

Қабул комиссиялари қабул йилининг 1 февраль кунидан 31 август кунига қадар фаолият юритади.

10. Қабул комиссияси раиси — Институт бошлиғи:

қабул комиссиясининг ишини ташкиллаштиради;

қабул комиссиясининг вазифаларини белгилайди;

кичик комиссиялар таркибини шакллантиради ва тасдиқлайди;

кичик комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

Қабул комиссияси раиси — Институт бошлиғи ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун ўз ваколати доирасида буйруқлар қабул қилади.

11. Қабул комиссияси таркибида қуйидаги кичик комиссиялар тузилади: номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш бўйича кичик комиссия;

психофизиологик ўрганиш бўйича кичик комиссия;

ёзма иш (диктант) ўтказиш бўйича кичик комиссия;

компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш бўйича кичик комиссия.

12. Институтга ўқишга киришни хоҳлаган фуқаролар ўзларининг яшаш жойидаги ҳудудий бошқармага мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан, ҳарбий хизматчилар ва божхона органлари ходимлари ўз хизмат ўташ жойига мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги билдирги билан мурожаат қилади.

13. Институтга ўқишга кириш учун аризалар (билдиргилар) 1 февралдан 1 апрелга қадар қабул қилинади.

14. Институтга ўқишга киришни хоҳлаган номзодлар томонидан ҳудудий бошқарма ишчи гуруҳига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ариза (билдирги);

паспорт нусхаси;

туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси. Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилган ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома алмаштирилган ёхуд фамилия, исм, ота исми ва бошқа маълумотлар ўзгартирилган бўлса, бу ҳақда ФХДЁ органининг маълумотномаси нусхаси;

яқин қариндошларининг паспорти, туғилганлик ҳақида гувоҳномаси, никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳномаси, никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳномаси, вафот этганлар бўлса, уларнинг ўлим ҳақида гувоҳномаси ва ногиронлик гувоҳномаси нусхалари;

олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (асли ва нусхаси);

3 x 4 см ўлчамдаги 6 та фотосурат (бош кийимсиз ва бурчаксиз) ҳамда 9 x 12 см ўлчамдаги 2 та фотосурат (бош кийимсиз);

номзод томонидан қўлда ва компьютерда ёзилган таржимаи ҳол;
анкета;

ўқиш, иш (агар ўқиётган ёки ишлаётган бўлса) ва яшаш жойидан тавсифнома ҳамда маълумотнома (яшаш жойидан берилган маълумотномада номзоднинг оила аъзолари кўрсатилади);

маълумоти тўғрисидаги (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар) ҳужжатлар (асли ва нусхаси) ҳамда рейтинг дафтарчаси (баҳолар табели) нусхаси;

чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси нусхаси;

меҳнат дафтарчаси (асли ва нусхаси), агар мавжуд бўлса;
ота-онасининг Институтга ўқишга киришига розилик хати.

Номзоддан айрим ҳужжатларга аниқлик киритиш учун қўшимча равишда зарур ҳужжатлар ва маълумотлар талаб қилиниши ёки тегишли ташкилотлардан сўраб олинishi мумкин.

Номзодлар томонидан ҳужжатлар тақдим этишда паспорт, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилган ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома алмаштирилган ёхуд фамилия, исм, ота исми ва бошқа маълумотлар ўзгартирилган бўлса, бу ҳақда ФХДЁ органининг маълумотномаси, яқин қариндошларининг паспорти, туғилганлик ҳақида гувоҳномаси, никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳномаси, никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳномаси, вафот этганлар бўлса, уларнинг ўлим ҳақида гувоҳномаси ва ногиронлик гувоҳномаси, чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёхуд чақирилувчининг ҳарбий гувоҳномаси ҳамда меҳнат дафтарчаси (агар мавжуд бўлса) шахсан кўрсатилади.

15. Институтга ўқишга киришни хоҳлаган ҳарбий хизматчилар ва божхона органлари ходимлари томонидан мазкур Низомнинг 14-банди иккинчи — еттинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилади.

16. Тегишли шакл бўйича рухсатномани келишиш учун зарур бўлган материаллар белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

17. Худудий бошқармалар ва Институт Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомда назарда тутилган ҳарбий-профессионал йўналиш бўйича вазифаларнинг амалга оширилиши учун масъулдир. Бунда худудий бошқармалар ва Институт бошлиқлари вазифаларни, уларни бажариш муддатлари ва масъул ижрочиларни кўрсатган ҳолда тегишли қабул йили учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаши ҳамда унинг ижросини назорат қилиб боришлари шарт.

2-боб. Дастлабки танлаш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш

18. Дастлабки танлаш давомида қўйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

- хужжатларни тўплаш ва ўрганиш;
- якка тартибда суҳбатлашиш;
- индивидуал-психологик ўрганиш;
- умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш;
- тиббий кўрикдан ўтказиш.

19. Дастлабки танлаш тадбирлари ҳудудий бошқармалар ишчи гуруҳлари томонидан қабул йилининг 1 февралидан 1 май кунига қадар ўтказилади.

20. Дастлабки танлаш:

- фуқаро ёшлар учун — яшаш жойидаги ҳудудий бошқармада;
- ҳарбий хизматчилар ва божхона органлари ходимлари учун — хизмат қилиш жойидаги ҳарбий қисмларда (муассасаларда), тегишли ҳудудий бошқармаларда ўтказилади.

21. Дастлабки танлаш тадбирларида иштирок этадиган номзодларнинг сони чекланмайди.

22. Номзодларнинг хужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари дастлабки танлаш тадбирлари яқунлангунга қадар амалга оширилади.

23. Якка тартибдаги суҳбат фуқаро ёшлар билан — ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан, ҳарбий хизматчилар ва божхона органлари ходимлар билан — ҳарбий қисмлар (муассасалар), бўлинмаларнинг командирлари, тегишли ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан ўтказилади. Бунда якка тартибдаги суҳбат номзод ариза (билдирги) билан мурожаат қилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўтказилади. Якка тартибдаги суҳбат натижаси бўйича мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда якка тартибдаги суҳбат варақаси тўлдирилади.

24. Индивидуал-психологик ўрганиш номзодлар билан якка тартибда суҳбат ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида ҳудудий бошқармаларнинг ишчи гуруҳи таркибига киритилган психологлар томонидан уларни психологик тест синовидан ўтказиш йўли билан мазкур Низомнинг 5-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

25. Психологик тест синови натижалари бўйича қўйидаги хулосалар чиқарилади:

- Институтга кириш учун тавсия этилади;
- Институтга кириш учун тавсия этилмайди.

26. Психологик тест синови натижалари бўйича Институтга кириш учун тавсия этилмаган номзодлар дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди. Бунда номзоднинг хужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари тўхтатилади.

27. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш ҳудудий бошқармалар ишчи гуруҳи таркибига киритилган мутахассислар

томонидан индивидуал-психологик ўрганиш ўтказилгандан кейин 15 кун ичида ҳудудий бошқарманинг ишчи гуруҳи раиси белгилаган муддатда мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

28. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашдан олдин улар соғлиғининг ҳолати тўғрисида тиббиёт муассасасининг маълумотмасини, ҳарбий хизматчилар ва божхона органлари ходимлари эса, ўзларига тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасасининг маълумотмасини тақдим этади.

29. Умумжисмоний тайёргарлик даражаси бўйича белгиланган талабларга жавоб бермаган номзодлар дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди. Бунда номзоднинг ҳужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари тўхтатилади.

30. Умумжисмоний тайёргарлик бўйича синовлардан муваффақиятли ўтган номзодларга улар мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган зарур ҳужжатларни тўлиқ топширганларидан сўнг, тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади.

31. Номзодлар тиббий кўрикдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

32. Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича соғлиғига кўра номзоднинг Институтда ўқишга яроқлилиги даражаси тўғрисида хулоса чиқарилади. Мазкур хулоса номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

33. Соғлиғининг ҳолатига кўра Институтда ўқишга яроқсиз деб ҳисобланган номзодлар ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларига қўйилмайди.

34. Дастлабки танлаш тадбирларидан муваффақиятли ўтган ҳамда шахсий ҳужжатлари йиғма жилди тўлиқ расмийлаштирилган номзодларни ўқишга юбориш тўғрисида мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда хулоса қабул қилинади. Мазкур хулоса номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдига тикилади.

35. Номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдлари ҳудудий бошқармалар томонидан қабул йилининг 1 июнь кунига қадар Институтга юборилади.

3-боб. Номзодлар билан ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш

36. Институт қабул комиссияси томонидан ҳар йили 1 июнга қадар Давлат божхона қўмитаси билан келишилган ҳолда ҳарбий профессионал-танлаш тадбирларини ўтказиш муддатлари белгиланган режа-жадвал ишлаб чиқилиб, ҳудудий бошқармаларга юборилади.

37. Ҳудудий бошқармалар ишчи гуруҳлари режа-жадвалга мувофиқ номзодларни ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш муддатлари билан таништиради, уларнинг белгиланган муддатларда Институтга ҳужжатлари тўлиқ ҳолда етиб келишларини таъминлайди.

38. Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари июнь ойида Институтда ўтказилади.

39. Ҳарбий-профессионал танлаш давомида қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

- хужжатларни ўрганиш;
- психофизиологик ўрганиш;
- тиббий кўрикдан ўтказиш;
- ёзма иш (диктант);

компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш;

якка тартибдаги якуний суҳбат.

40. Институт қабул комиссияси таркибидаги номзодларнинг хужжатларини ўрганиш кичик комиссияси хужжатларни ўрганишда Институтга тақдим этилган шахсий хужжатлар йўзма жилдларини рўйхатга олади ҳамда уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади.

41. Психофизиологик ўрганиш мазкур Низомнинг 8-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ қабул комиссияси таркибидаги психофизиологик ўрганиш бўйича кичик комиссия мутахассислари томонидан ўтказилади.

42. Номзодлар тиббий кўрикдан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

43. Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича соғлигининг ҳолатига кўра номзоднинг олий ҳарбий таълим муассасасида ўқишга яроқлилиги даражаси тўғрисида ҳулоса чиқарилади.

44. Соғлигининг ҳолатига кўра Институтда ўқишга яроқсиз деб ҳисобланган номзодлар ҳарбий-профессионал танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

45. Ёзма иш номзодга диктант ёздириш орқали Институт қабул комиссияси таркибидаги ёзма иш (диктант) ўтказиш бўйича кичик комиссия томонидан мазкур Низомнинг 9-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади. Бунда ёзма иш (диктант) ўтказиш бўйича кичик комиссия таркибига касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ёки олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари келишув асосида жалб қилиниши мумкин.

46. Номзоднинг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш бўйича кичик комиссия томонидан мазкур Низомнинг 10-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ амалга оширилади.

47. Якка тартибдаги якуний суҳбат мазкур Низомнинг 11-илоvasида келтирилган методика асосида психофизиологик ўрганиш натижалари, ёзма иш (диктант) натижалари, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижалари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади.

48. Якка тартибдаги якуний суҳбат қабул йилининг 30 июнига қадар коллегиял принцип бўйича, Институт қабул комиссияси томонидан ўтказилади.

49. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича номзодни Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилинади.

50. Тест синовлари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2477, 2013 йил 12 июль) мувофиқ ўтказилади.

51. Умумтаълим муассасаларида бошқа чет тили (испан, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур ва бошқа тиллар) бўйича ўқиган тақдирда номзод тест синовлари ўрнига Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомнинг 3-иловасида назарда тутилган тартибда Институтда ягона кўп балли имтиҳон тизими бўйича чет тилидан имтиҳон топширади. Ягона кўп балли имтиҳон тизими бўйича чет тилидан ўтказилган имтиҳон мазкур Низомнинг 12-иловасида назарда тутилган мезонларга асосан баҳоланади.

4-боб. Институтга қабул қилиш

52. Институтга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

53. Институт қабул комиссияси 15 июлда номзодларни ўқишга қабул қилиш масаласини кўриб чиқади ва мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ шаклдаги протоколни расмийлаштиради. Мазкур протокол номзодларни Институтга ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

54. Институтга ўқишга қабул қилинган ҳарбий хизматчилар ва божхона органлари ходимларига ўз хизмат ўташ жойларига тақдим этиш учун уларнинг ўқишга қабул қилинганлиги бўйича буйруқдан кўчирма берилади.

55. Тест синовлари натижаси бўйича берилган апелляция шикоятлари Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2477, 2013 йил 12 июль) мувофиқ кўриб чиқилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

56. Институт қабул комиссияси номзодлар белгиланган қоидаларга, ҳарбий ва хизмат интизомига риоя қилмаган тақдирда уларни ўқишга қабул қилиш бўйича танлашнинг исталган босқичида четлатиш ҳуқуқига эга.

57. Институтга ўқишга кирмаган номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдлари тест синовлари натижалари эълон қилинган кундан эътиборан 10 кун ичида тегишли ҳудудий бошқармаларга қайтариб юборилади.

58. Номзодни ўқишга қабул қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар Институтда сақланади.

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Мен, Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга киришга номзод,

_____ ушбу институтга ўқишга
(Ф.И.О.)

қабул қилинсам ва ўқишни тамомлагандан сўнг 5 йил муддат ичида ўз хоҳишимга кўра ёки Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг интизомий уставига асосан божхона органларидан бўшатишга ёхуд содир этган жиноятим учун озодликдан маҳрум этилсам моддий масъулликим тўғрисида огоҳлантирилдим.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «____» _____

Биз, Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга киришга номзоднинг ота онаси, _____

_____ (Ф.И.О.)

фарзандимиз _____

_____ (Ф.И.О.)

ушбу институтга ўқишга қабул қилинса ва ўқишни тамомлагандан сўнг 5 йил муддат ичида ўз хоҳишига кўра ёки Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг интизомий уставига асосан божхона органларидан бўшатишга ёхуд содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилса моддий масъулликимиз тўғрисида огоҳлантирилдик.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «____» _____

9 (665)-сон

— 139 —

107-модда

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

_____га

(худудий бошқарма бошлигининг Ф.И.О.)

_____да

(номзоднинг яшаш жойи)

ЯШОВЧИ _____дан

(номзоднинг Ф.И.О.)

АРИЗА

Менга Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга кириш учун ҳужжатларимни расмийлаштиришга рухсат беришингизни сўрайман. Божхона органларида хизматни ўташ тартиби ва моддий таъминоти билан таништирилдим.

Танловда _____ мутахассислиги бўйича иштирок этаман.

Тест синовларини _____ тилида топшираман.

(ўзбек, қорақалпоқ, рус)

Чет тили бўйича тест синовларини (имтиҳонни) _____ тилида топшираман.

Хизмат заруратига кўра лозим топилган ерда хизмат қилишга тайёрман. Хизмат бўйича менга маълум бўлган давлат, ҳарбий ва хизматга оид маълумотларни сир сақлашга ваъда бераман. Оиламда ўзгаришлар бўлганда ҳамда яқин қариндошларимдан бирортаси жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда, белгиланган муддатда бошлиқларимга ва шахсий таркиб билан ишлаш хизматига ёзма равишда хабар бераман.

(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ йил «____» _____

107-модда

— 140 —

9 (665)-сон

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

_____га
(худудий бошқарма бошлигининг унвони ва Ф.И.О.)

БИЛДИРГИ

Менга Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга кириш учун ҳужжатларимни расмийлаштиришга рухсат беришингизни сўрайман.

Танловда _____ мутахассислиги бўйича иштирок этаман.

Тест синовларини _____ тилида топшираман.
(ўзбек, қорақалпоқ, рус)

Чет тили бўйича тест синовларини (имтиҳонни) _____ тилида топшираман.

(имзо)

(лавозими, унвони ва Ф.И.О.)

20__ йил «____» _____

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Якка тартибдаги суҳбат ВАРАҚАСИ

Номзоднинг Ф.И.О.: _____

Номзоднинг оилавий аҳволи: _____

Номзоднинг ота-онаси, яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати: _____

Божхоначи касбини танлашининг сабаблари ва асослари: _____

Номзоднинг таълим муассасасидаги ўзлаштириш даражаси: _____

Номзоднинг хорижий тилни эгаллаганлик даражаси: _____

Номзод ҳақидаги қўшимча маълумотлар: _____

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида батафсил тушунтирилди.

_____ (якка тартибдаги суҳбат ўтказган
шахснинг унвони, лавозими ва Ф.И.О.)

_____ (имзо)

20__ йил «_____» _____

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Индивидуал-психологик ўрганиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Индивидуал-психологик ўрганиш номзодларни мазкур Методикада белгиланган тартибда психологик тест синовидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

2. Дастлаб номзодларга индивидуал-психологик ўрганишни ўтказиш тартиби ҳудудий бошқармаларнинг ишчи гуруҳи таркибига киритилган мутахассислар томонидан тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

3. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, жавоблар бланклари ҳар йили тегишли қабул йили учун Институт қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилади.

4. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, жавоблар бланклари ҳудудий бошқарма Кадрлар бўлими (бўлинмаси) бошлиғининг сейфида сақланади ва у тестларнинг ошкор бўлиб кетмаслиги учун масъул ҳисобланади.

2-боб. Индивидуал-психологик ўрганишни ўтказиш

5. Индивидуал-психологик ўрганиш якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ўтказилиши мумкин.

6. Индивидуал-психологик ўрганиш гуруҳ бўлиб ўтказилганда, хонада номзодлар 20 нафардан ортиқ бўлмаслиги зарур.

7. Индивидуал-психологик ўрганиш давомида номзодларга олти вазифа бўйича бир юз ўнта психологик тест берилади.

8. Психологик тестлар номзодларнинг қуйидаги индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилади:

ақл заковати, умумий интеллектуал салоҳияти ва хотираси;

мантикий фикрлаши, зийраклиги, тафаккур шаклларининг ривожланганлик даражаси, фикрлаш тезлиги ва таҳлил қилиш қобилиятлари;

шахсига хос индивидуал хусусиятлари, киришимлиги, психик турғунлиги, самимийлиги;

касбни танлашининг мақсади ва мақсадининг барқарорлиги.

9. Биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи вазифалар — ўнтадан савол (жами қирқта), бешинчи вазифанинг тўртта шкаласи — ўн тўрттадан савол (жами эллик олтита), олтинчи вазифа — ўн тўртта саволдан иборат бўлади. Бунда ҳар бир тўғри жавобга бир баллдан қўйилади.

10. Психологик тест бошлангунга қадар номзоднинг соғлиғи суриштирилади. Ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилган номзодлар ўрганишга қўйилмайди. Бундай ҳолатда далолатнома тузилади ва унга кейинги индивидуал-психологик ўрганишдан ўтиш учун қайта рухсат берилади.

11. Жавоблар варақасининг тўғри тўлдирилиши учун номзод шахсан жавобгар. Жавоблар варақасидаги тегишли катакчаларни нотўғри белгиланган номзоднинг эътирозлари кўриб чиқилмайди.

12. Психологик тест синовлари ўтказиладиган хонага микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари олиб кириш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

13. Психологик тест ўтказиш вақтида ўрганиш ўтказаетган шахслар номзодларни узлуксиз равишда кузатиб туради.

14. Барча топшириқлар бажариб бўлингандан сўнг, номзодлар жавоблар бланкаларини ўрганиш ўтказаетган мутахассислардан бирига топширади. Ўрганиш ўтказган мутахассислар жавоблар бланкаларини қабул қилишда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига эътибор бериши зарур.

15. Вазифаларнинг барчасини (бешинчи вазифадаги барча шкалани) муваффақиятли топширган номзод Институтга кириш учун тавсия этилади ҳамда унга дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларида иштирок этиш учун рухсат берилади.

16. Индивидуал-психологик ўрганиш натижалари бўйича Институтга ўқишга кириш учун тавсия этилмаган номзодларга бошқа куни ўтказиладиган индивидуал-психологик ўрганиш тадбирида психологик тестларни яна бир марта қайта топширишга рухсат берилади.

3-боб. Яқуний қоидалар

17. Индивидуал-психологик ўрганиш синовларини топширган ҳар бир номзод учун мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

18. Қайднома ҳудудий бошқарманинг ишчи гуруҳи раиси ва ишчи гуруҳ таркибига киритилган мутахассислар томонидан имзоланади. Қайднома номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдига тикиб қўйилади.

Индивидуал-психологик
ўрганиш методикасига
ИЛОВА

**Номзоднинг индивидуал-психологик ўрганиш
натижалари бўйича
ҚАЙДНОМАСИ**

Номзод _____
(Ф.И.О.)

Топшириш жойи _____

Топшириш санаси: 20__ йил «__» _____.

Натижалар:

1-вазифа	2-вазифа	3-вазифа	4-вазифа	5-вазифа				6-вазифа	Хулоса
				1	2	3	4		
0 — 4	0 — 4	0 — 4	0 — 5	0 — 4	0 — 5	0 — 6	0 — 4	0 — 4	Тавсия этилмайди
5 — 10	5 — 10	5 — 10	6 — 10	5 — 14	6 — 14	7 — 14	5 — 14	5 — 14	Тавсия этилади

Хулоса: _____

Худудий бошқарма
ишчи гуруҳи раиси:

(имзо)

(унвони ва Ф.И.О.)

Худудий бошқарма
ишчи гуруҳи аъзолари:

(имзо)

(унвони ва Ф.И.О.)

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражаси уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган тегишли машқларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

2. Номзодларга дастлаб машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби ҳудудий бошқарманинг ишчи гуруҳи таркибига киритилган мутахассислар томонидан тушунтирилади.

3. Номзодлар умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларига спорт кийимида келиши лозим.

4. Номзод йигитлар қуйидаги машқларни бажаради:
турникда тортилиш;
100 метрга югуриш;
3000 метрга югуриш.

5. Номзод қизлар қуйидаги машқларни бажаради:
куч ишлатиш машқлари комплекси;
100 метрга югуриш;
1000 метрга югуриш.

6. Машқлар оралиғида номзодларга дам олиш учун 10 дақиқа вақт берилади.

7. Белгиланган машқларни узрсиз сабабларга кўра топширмаган номзодлар қониқарсиз баҳоланади.

8. Умумжисмоний тайёргарлик даражаси биринчи марта қониқарсиз баҳоланган номзодларга бошқа куни ўтказиладиган умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларида машқларни яна бир марта қайта топширишга рухсат берилади.

2-боб. Машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

9. Турникда тортилиш машқини бажаришда:
бош бармоқ поя ичкарасидан ушланади, тана биров ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;
ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;
ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этади).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни букиш ва кериш, танани ҳаракат-

сиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Турникда камида 7 марта тортилган номзод ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

10. 100 метрга югуриш машқи:

юқори ёки қуйи стартдан амалга оширилади;

стадионнинг югуриш йўлакчаси ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

100 метрга югуриш машқини номзод йигитлар 15,0 сония ичида, номзод қизлар эса 17,3 сония ичида бажарган тақдирда, улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

11. 3000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади. Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

3000 метрга югуриш машқини номзод йигитлар 14,25 дақиқа ичида бажарган тақдирда, улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

1000 метрга югуриш машқини номзод қизлар 5,00 дақиқа ичида бажарган тақдирда, улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

12. Куч ишлатиш машқлари комплексини бажаришда бир дақиқада иккита машқ узлуксиз бажарилади.

Ҳар бир машқни бажариш учун 30 сония вақт ажратилади.

13. Биринчи машқни бажаришда:

чалқанча ётилади;

қўллар белда, тиззалар букилмаган ҳолда оёқлар тўпиқ қисмидан бошқа одам ёрдамида ушланади;

дастлабки ҳолатдан гавда олдинга кўтарилиб, қўллар оёқ учига теккандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида тиззаларни букиш ва шерик томонидан оёқларни қўйиб юбориш тақиқланади.

14. Биринчи машқ учун ажратилган 30 сония вақт тугаганлиги эълон қилингандан сўнг, дарҳол иккинчи машқни бажаришга киришилади.

15. Иккинчи машқни бажаришда:

таяниб ётилади, қўллар елка кенглигида тиззалар букилмаган ҳолатда бўлади;

қўллар букилиб ёзилади (бунда бел ҳамда елка қисмлари биргаликда ва текис тушиб чиқиши шарт);

қўллар букилиб тана ерга нисбатан параллел ҳолатга келтирилгандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида қўллар чала букилиб ёзилиши, бел ва елкалар ҳар хил тушиб чиқиши, тиззаларнинг ерга тегиши тақиқланади.

Куч ишлатиш машқлари комплексини номзод қизлар камида (умумий ҳисобда) 26 марта бажарган тақдирда, улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

16. Номзодлар белгиланган умумжисмоний тайёргарлик даражасини

баҳолаш тадбирларининг камида иккитасини бажарган тақдирда, умумжисмоний тайёргарлик синовларидан «ўтди» деб ҳисобланади.

3-боб. Яқуний қоидалар

17. Умумжисмоний тайёргарлик синовларини топширган ҳар бир номзод учун мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

18. Қайднома ҳудудий бошқарманинг ишчи гуруҳи раиси ва ишчи гуруҳ таркибига киритилган мутахассислар томонидан имзоланади. Қайднома номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдига тикиб қўйилади.

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини
баҳолаш методикасига
ИЛОВА

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ҚАЙДНОМАСИ

Номзод _____
(Ф.И.О.)

Топшириш жойи _____

Топшириш санаси: 20____ йил «____» _____.

Натижалар:

Т/р	Машқларнинг номи	Натижа	Хулоса
1.	Турникда тортилиш		
2.	Куч ишлатиш машқлари комплекси		
3.	100 метрга югуриш		
4.	3000 метрга югуриш		
5.	1000 метрга югуриш		

Хулоса: _____

Ҳудудий бошқарма
ишчи гуруҳи раиси:

(имзо)

(унвони ва Ф.И.О.)

9 (665)-сон

— 147 —

107-модда

Худудий бошқарма
ишчи гуруҳи аъзолари:

_____	_____
(имзо)	(унвони ва Ф.И.О.)
_____	_____
(имзо)	(унвони ва Ф.И.О.)
_____	_____
(имзо)	(унвони ва Ф.И.О.)
_____	_____
(имзо)	(унвони ва Ф.И.О.)

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(худудий бошқарма бошлигининг
унвони, Ф.И.О. ва имзоси)

20 ____ йил «____» _____

**Номзодни Олий ҳарбий божхона институтига
ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларида иштирок этиш
учун юбориш тўғрисида
ХУЛОСА**

_____ НИ
(номзоднинг Ф.И.О.)

**Олий ҳарбий божхона институтига ҳарбий-профессионал танлаш
тадбирларида иштирок этиш учун юбориш тўғрисида.**

1. Номзодни дастлабки ўрганиш натижалари:

2. Махсус текшириш натижалари:

3. Ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси:

4. Номзодни ўрганиш натижалари бўйича хулоса:

_____	_____
(масъул шахснинг лавозими ва унвони)	(Ф.И.О.)
_____	_____
(масъул раҳбарнинг лавозими ва унвони)	(Ф.И.О.)
_____	_____
(масъул раҳбарнинг лавозими ва унвони)	(Ф.И.О.)

20__ йил «___» _____.

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Психофизиологик ўрганиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Психофизиологик ўрганиш номзоднинг психофизиологик хислатлари ва индивидуал хусусиятларини аниқлаш мақсадида ўтказилади ҳамда унга психологик топшириқлар бериш орқали аниқланади.

2. Номзодларга психофизиологик ўрганиш ўтказишдан олдин мазкур Методикада назарда тутилган психофизиологик ўрганиш ўтказиш тартиби тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

3. Психологик топшириқлар, уларнинг жавоблари ва жавоблар бланклари Институт қабул комиссияси таркибидаги психофизиологик ўрганиш бўйича кичик комиссия томонидан 1 июнь кунига қадар ишлаб чиқилади, қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва зарур миқдорда кўпайтирилади.

Психологик топшириқлар, уларнинг жавоблари ва жавоблар бланклари

кичик комиссия раисининг сейфида сақланади. Кичик комиссия раиси психологик топшириқлар ва уларнинг жавоблари ошкор қилинмаслиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

2-боб. Психофизиологик ўрганишни ўтказиш ва натижаларни баҳолаш

4. Психофизиологик ўрганиш давомида номзодларга 3 та психологик топшириқ берилади.

5. Психофизиологик ўрганишда қуйидагилар таққиланади:
номзодга топшириқ мазмунига мувофиқ бўлмаган тушунтиришлар ёки жавобга йўналтирилган саволлар бериш;
топшириқларни бажариш вақтида номзодни танқид қилиш, унга танбех бериш.

6. Психофизиологик ўрганишни ўтказишда топшириқлар бўйича йўл-йўриқлар аниқ етказилиши ҳамда ўрганиш номзоднинг ҳиссий (соматик), психоэмоционал ҳолати яхши бўлгандагина ўтказилиши лозим.

7. Психофизиологик ўрганиш махсус жиҳозланган хонада ўтказилади.

8. Ушбу хона:
етарли даражада табиий ва сунъий ёритилган бўлиши;
шовкиндан ҳимояланган бўлиши;
номзодларга ажратилган жойлар қулай ва рақамланган бўлиши;
зарур намоёиш жадваллари, плакатлар ва матрицалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

9. Психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган хонада номзодлар 20 нафардан ортиқ бўлмаслиги зарур.

10. Кичик комиссия раиси номзодларнинг бор-йўқлигини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини шахсан текшириб, уларни рақамланган жойларга ўтказилади.

11. Психофизиологик ўрганиш бошланишидан олдин ўзини ёмон ҳис қилаётган ёки соғлиғидан шикоят қилаётган номзодлар мазкур тадбирга қўйилмайди. Бундай ҳолатда далолатнома тузилади ва номзодга кейинги гуруҳлар таркибида психофизиологик ўрганишдан ўтиш учун қайта руҳсат берилади.

12. Психофизиологик ўрганиш вақтида уни ўтказаётган шахслар номзодларни узлуксиз равишда кузатиб туради.

13. Барча топшириқлар бажариб бўлингандан сўнг, номзодлар жавоблар бланкаларини ўрганиш ўтказаётган мутахассислардан бирига топширади. Ўрганиш ўтказаётган мутахассислар жавоблар бланкаларини қабул қилишда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига эътибор берилиши зарур.

14. Номзодларнинг психофизиологик ўрганиш натижалари «5» баллик тизимда қуйидагича баҳоланади:

номзод психологик топшириқларнинг барчасини тўғри бажарган тақдирда — 5 балл;

номзод психологик топшириқларнинг иккитасини тўғри бажарган тақдирда — 4 балл;

номзод психологик топшириқларнинг биттасини тўғри бажарган тақдирда — 3 балл;

номзод психологик топшириқларнинг бирортасини тўғри бажармаган тақдирда — 0 балл қўйилади.

3-боб. Яқуний қоида

15. Психофизиологик ўрганиш натижалари бўйича ҳар бир номзод учун мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади. Қайднома кичик комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади ва Институт қабул комиссияси раисига топширилади.

Психофизиологик ўрганиш методикасига
ИЛОВА

Психофизиологик ўрганиш натижаларини баҳолаш ҚАЙДНОМАСИ

Номзод _____
(Ф.И.О.)

Топшириш жойи _____

Топшириш санаси: 20__ йил «___» _____

Натижалар: тўғри жавоблар сони: _____ та, нотўғри жавоблар сони _____ та, қўйилган балл _____.

Қабул комиссияси раиси

Қабул комиссияси аъзолари:

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Ёзма иш (диктант) ўтказиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ёзма иш диктант ёздириш йўли билан номзоднинг орфографик ва пунктуацион саводхонлигини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

2. Диктантларнинг мавзулари ва матнлари Институт қабул комиссияси таркибидаги ёзма иш (диктант) ўтказиш бўйича кичик комиссия томонидан 1 июнь кунига қадар шакллантирилади, қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва зарур микдорда кўпайтирилади.

3. Диктантларнинг мавзулари ва матнлари кичик комиссия раисининг сейфида сақланади ҳамда у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

4. Номзодларга дастлаб мазкур Методикада назарда тутилган ёзма иш (диктант) ўтказиш тартиби тушунтирилади.

5. Номзодларга қайта топширишга рухсат берилмайди. Диктант қандай баҳоланишидан қатъи назар, номзод яқка тартибдаги якуний суҳбатга қўйилади.

6. Диктантлар текшириб чиқилгандан сўнг, баҳоланган ҳолда ёзма иш (диктант) ўтказиш бўйича кичик комиссия раиси томонидан қабул комиссияси масъул котибига топширилади.

7. Диктант ўтказиладиган аудиторияга лугат, китоблар, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

2-боб. Диктантга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

8. Диктант учун умумий ўрта, ўрта махсус ёки касб-хунар таълими фан дастурлари доирасида ўтилган мавзуларга мувофиқ келадиган ва номзоднинг олган билимларини аниқлаш имкониятини берадиган материаллар танланади.

9. Диктант матнининг ҳажми 170 — 200 та сўздан иборат бўлади.

10. Диктант ёзишдан олдин номзодларга диктант матни тўлиқ ўқиб эшиттирилади.

Диктант ёзиш вақтида ҳар бир гап ўқиб эшиттирилгандан сўнг, ушбу гапни ёзишга киришилади. Ушбу гап ёзиб бўлингандан сўнг, гап яна бир бор ўқиб эшиттирилади.

11. Номзодларнинг диктанти «5» баллик тизимда қўйидагича баҳоланади: мутлақо хатосиз ёзилган ёки битта орфографик ёхуд битта пунктуацион хатога йўл қўйилган диктантга — 5 балл қўйилади;

иккитагача орфографик ва иккитагача пунктуацион хатога йўл қўйилган диктантга — 4 балл қўйилади, хатолар нисбати ўзгарганда, уларнинг умумий миқдори тўрттадан ошмаслиги керак;

тўрттагача орфографик ва тўрттагача пунктуацион хатога йўл қўйилган диктантга — 3 балл қўйилади, хатолар нисбати ўзгарганда, уларнинг умумий миқдори саккизтадан, бироқ орфографик хатолар миқдори олтитадан ошмаслиги керак;

еттитагача орфографик ва еттитагача пунктуацион хатога йўл қўйилган диктантга — 2 балл;

тўққизтагача орфографик ва тўққизтагача пунктуацион хатога йўл қўйилган диктантга — 1 балл;

ўнта ва ундан ортиқ орфографик ва ўнта ва ундан ортиқ пунктуацион хатога йўл қўйилган диктантга — 0 балл қўйилади.

12. Қуйидаги мезонлар мавжуд бўлганда хатолар, уларнинг сонидан қатъи назар, битта хато деб топилади:

бешта сўзда «х» ёки «ў» ҳарфлари ўрнида тегишлича «х» ёки «у» ҳарфлари ёзилган бўлса;

кириш сўзларнинг (масалан, дарвоқе, дарҳақиқат) ёзилишида олтитагача пунктуацион хатога йўл қўйилган бўлса;

қаратқич белгиси учтагача сўзда нотўғри қўлланилган бўлса.

13. Қуйидагилар хато деб ҳисобланмайди:

тасодифий хатолар (масалан, тушунмоқ сўзи барча ўринларда тўғри ёзилган, бироқ битта ўринда нотўғри ёзилган ёки 1441 ўрнига 1941 ёзилган бўлса);

такрорий хатолар (масалан, қутулмоқ сўзи беш ўринда қутилмоқ тарзида қўлланилган бўлса);

сўз кўчиришдаги хатолар (масалан, воқе-а ёки октя-брь);

айрим атамаларнинг ёзилишидаги хатолар (масалан, Чўлпон ота — Чўпон ота, Юнусобод — Юнус-обод).

14. Диктантдаги тузатишлар миқдори 5 тадан ортиқ бўлса, баҳо бир баллга пасайтирилади.

3-боб. Яқуний қоидалар

15. Текширилган ҳар бир диктантга Институт қабул комиссияси таркибидаги ёзма иш (диктант) ўтказиш бўйича кичик комиссия раиси ва диктантни текширган аъзоси томонидан имзо қўйилади. Бунда кичик комиссия аъзолари ўзлари диктант ёздирган номзодларнинг диктантларини текшириши тақиқланади.

16. Кичик комиссия иши яқунлангач, номзодларнинг диктантлари кичик комиссия раиси томонидан Институт қабул комиссияси раисига топширилади.

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

**Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация
технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш
МЕТОДИКАСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Номзоднинг компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини (бундан буён матнда КТ ва АКТ деб юритилади) эгаллаб олганлик даражаси компьютер дастурига киритилган тест саволларини бериш йўли билан текширилади.

2. Номзодларнинг КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини текширишдан олдин уларга мазкур Методикада назарда тутилган текшириш ўтказиш тартиби тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

3. Тест саволлари, уларнинг жавоблари Институт қабул комиссияси таркибидаги компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш кичик комиссияси томонидан 1 июнь кунига қадар ишлаб чиқилади, қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва тегишли компьютерлар дастурига киритилади.

4. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари ошкор қилинмаслиги учун кичик комиссия раиси жавобгар ҳисобланади.

**2-боб. КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини
текшириш**

5. Номзодга йигирмата тест саволи ва уларни ечиш учун ўттиз дақиқа вақт берилади. Номзодга тест синовларини қайта топширишга рухсат берилмайди.

6. Тест синовлари ўтказилаётган аудиторияга лугат, китоблар, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

7. Тест саволларини шакллантиришда умумий ўрта, ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълими фан дастурларига мувофиқ келадиган ва номзоднинг олган билимларини аниқлаш имкониятини берадиган материаллар танланади.

8. Тест саволлари қуйидагилар бўйича тузилади:

шахсий компьютердан фойдаланиш бўйича;

идора дастурий иловалари (microsoft office дастури) бўйича;

Интернет тармоғида, локал ва корпоратив тармоқларда ишлаш ва ташкилий техникадан фойдаланиш бўйича.

9. Тест синовлари натижаси «5» баллик тизимда қуйидагича баҳоланади:

17 — 20 та тест саволларига тўғри жавоб берилган бўлса — 5 балл;

13 — 16 та тест саволларига тўғри жавоб берилган бўлса — 4 балл;
 9 — 12 та тест саволларига тўғри жавоб берилган бўлса — 3 балл;
 5 — 8 та тест саволларига тўғри жавоб берилган бўлса — 2 балл;
 1 — 4 та тест саволларига тўғри жавоб берилган бўлса — 1 балл;
 тест саволларининг бирортасига ҳам тўғри жавоб берилмаган бўлса — 0 балл қўйилади.

3-боб. Яқуний қоида

10. КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижалари бўйича ҳар бир номзод учун мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади. Қайднома кичик комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади ва Институт қабул комиссияси раисига топширилади.

Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш методикасига
 ИЛОВА

Номзоднинг компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижалари бўйича ҚАЙДНОМА

Номзод _____
 (Ф.И.О.)

Топшириш жойи _____

Топшириш санаси: 20__ йил «___» _____.

Натижалар: тўғри жавоблар сони: _____та, нотўғри жавоблар сони _____та, қўйилган балл _____.

Қабул комиссияси раиси _____
 (имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

Қабул комиссияси аъзолари: _____
 (имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

_____ (имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

(имзо)	(унвони ва Ф.И.О.)
(имзо)	(унвони ва Ф.И.О.)

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Якка тартибдаги якуний суҳбат номзоднинг Институтга ўқишга кириши сабабини, етакчилик фазилатларини, ақлий қобилиятлари ва бошқа муҳим профессионал фазилатларини аниқлаш мақсадида ягона методика бўйича психофизиологик ўрганиш, ёзма иш (диктант) натижалари, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижалари асосида ўтказилади.

2. Номзодларга якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш бўйича тушунчалар, суҳбат давомида берилиши мумкин бўлган саволларнинг умумий йўналишлари ва қабулга оид бошқа зарур маълумотлар ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари бошланишидан олдин Институт қабул комиссияси томонидан берилади.

3. Якка тартибдаги якуний суҳбат давомида номзодларга бериладиган саволлар рўйхати Институт қабул комиссиялари томонидан 1 июнь кунига қадар шакллантирилади ва қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

4. Саволлар номзоднинг ўқишга кириш сабабини, етакчилик фазилатларини, ақлий қобилиятини, дунёқарашини ва бошқа муҳим профессионал фазилатларини аниқлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

5. Саволлар рўйхати Институт қабул комиссияси масъул котибининг сейфида сақланади. Масъул котиб саволларнинг ошкор қилинмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

2-боб. Якуний суҳбат ўтказиш

6. Якка тартибдаги якуний суҳбат коллегиял принцип бўйича, Институт қабул комиссияси томонидан ўтказилади.

7. Номзод якуний суҳбатга шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан кирилади.

8. Қабул комиссияси аъзоларига масъул котиб (унинг ёрдамчиси) томо-

нидан якка тартибдаги якуний суҳбатдан ўтказилаётган номзод ҳақидаги барча маълумотлар тақдим этилади.

9. Комиссия аъзолари номзод ҳақидаги умумий маълумотларни ўрганиб чиқиб, унга оғзаки тарзда 3 та савол беради.

10. Ҳар бир номзодга 10 дақиқагача вақт ажратилади. Номзоднинг барча саволларга берган жавоби эшитилгандан сўнг, унга аудиториядан чиқишга рухсат берилади.

3-боб. Якуний суҳбат натижаларини аниқлаш

11. Номзодлар саволларга берган жавобларига қараб қўйидаги мезонлар асосида «5» баллик тизимда баҳоланади:

номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб топилганда — 5 балл;

номзод мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — 4 балл;

номзод моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — 3 балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга деб топилганда — 2 балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб топилганда — 0 балл қўйилади.

12. Номзоднинг саволларга жавоби эшитилгандан сўнг, комиссиянинг ҳар бир аъзоси номзодга ўзининг баҳосини қўяди. Комиссия аъзолари томонидан қўйилган баҳолар муҳокама қилиниб, ҳар бир номзодга якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклдаги қайдномага ўртача арифметик балл қўйилади.

Мазкур қайдномага номзоднинг психофизиологик ўрганиш, ёзма иш (диктант), компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражаси натижалари ҳам қабул комиссияси масъул котиби томонидан ёзиб қўйилади.

13. Қўйилган барча баллар умумлаштирилиб, номзоднинг ўртача арифметик баҳоси аниқланади.

14. Натижалар шу куннинг ўзида номзодларга эълон қилинади.

4-боб. Якуний қоидалар

15. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича ўртача уч ва ундан юқори балл тўплаган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйилади.

16. Номзодни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топ-

ширишга қўйиш ёки қўймаслик тўғрисидаги қарор ҳақида қайдномага ёзиб қўйилади.

Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш
методикасига
ИЛОВА

**Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА**

Номзод _____
(Ф.И.О.)

Худудий божхона бошқармаси: _____
(бошқарманинг номи)

Танлаган йўналиши ва таълим тили _____
божхона иши / божхона ҳуқуқи, рус / ўзбек

Топшириш санаси: 20__ йил «____» _____.

Психофизиологик ўрганиш натижаси бўйича қўйилган балл	Ёзма иш (диктант) натижаси бўйича қўйилган балл	Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижаси бўйича қўйилган балл	Якка тартибдаги якуний суҳбат натижаси бўйича қўйилган балл	Ўртача арифметик балл

Қабул қилинган қарор: _____

Қабул комиссияси раиси _____
(имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

Қабул комиссияси масъул котиби _____
(имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

Қабул комиссияси аъзолари: _____
(имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

_____ (имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

_____ (имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

**Ягона кўп балли имтиҳон тизими бўйича чет тилидан
имтиҳонни баҳолаш
МЕЗОНЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Имтиҳон тест синовлари мажмуасида фаннинг эгаллаган ўрнини ҳисобга олган ҳолда 75,6 балл ёки 39,6 балл оралиғида ягона кўп балли тизим бўйича баҳоланади.

2. Имтиҳонда тегишли чет тили бўйича номзоднинг матнни ўқий олиши, таржима қила олиши, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олиши, берилган мавзуни билиши, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан саволларга жавоб бера олиши, жумлани грамматик таҳлил қила олиши, нутқни грамматик ва лексик жиҳатдан шакллантира олиши, талаффуз қила олиши, ёза олиши текширилади ва баҳоланади.

2-боб. Баҳолаш мезонлари

3. Номзодларнинг имтиҳонда саволларга берган жавоблари мазкур бобда белгиланган мезонлар бўйича баҳоланади.

4. Тест синовлари мажмуасида фан бўйича 75,6 балл қўйилиши назарда тутилган бўлса, чет тили бўйича номзоднинг матнни ўқий олиши, таржима қила олиши, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олиши, берилган мавзуни билиши, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан саволларга жавоб бера олиши, жумлани грамматик таҳлил қила олиши, нутқни грамматик ва лексик жиҳатдан шакллантира олиши, талаффуз қила олиши, ёза олиши текширилади ва баҳоланади.

Тест синовлари мажмуасида фан бўйича 39,6 балл қўйилиши назарда тутилган бўлса, чет тили бўйича номзоднинг матнни ўқий олиши, таржима қила олиши, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олиши, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан саволларга жавоб бера олиши текширилади ва баҳоланади.

5. Тест синовлари мажмуасида фан бўйича 75,6 балл қўйилиши назарда тутилган бўлса:

- а) агар номзод қуйидагича жавоб берса, 75,6 балл қўйилади:
 - матнни ўқишда хато қилмаса — 18,6 балл;
 - матнни тўлиқ (100 фоиз) таржима қилса — 14 балл;
 - матннинг (мақоланинг) мазмунини тўлиқ гапириб берса — 14 балл;
 - берилган мавзуни тўлиқ билса — 3 балл;

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволга ҳам жавоб берса — 6 балл;

грамматик таҳлил қилишда жумлани тўлиқ таҳлил қилса — 5 балл;

нутқни грамматик ва лексик жиҳатдан шакллантиришда иккитагача грамматик, иккитагача лексик хато қилса — 5 балл;

талаффуз қилишда иккитагача фонетик хато қилса — 5 балл;

ёзганда иккитагача орфографик хато қилса — 5 балл қўйилади;

б) агар номзод қўйидагича жавоб берса, 52 балл қўйилади:

матндаги иккитагача сўзни ўқишда хато қилса — 14 балл;

матннинг 90 фоизини таржима қилса — 12 балл;

матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб берса — 8 балл;

берилган мавзуни чала билса — 2 балл;

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг биттасига жавоб берса — 3 балл;

грамматик таҳлил қилишда жумлани чала таҳлил қилса — 3 балл;

нутқни грамматик ва лексик жиҳатдан шакллантиришда тўрттагача грамматик, тўрттагача лексик хато қилса — 4 балл;

талаффуз қилишда тўрттагача фонетик хато қилса — 3 балл;

ёзганда тўрттагача орфографик хато қилса — 3 балл қўйилади;

в) агар номзод қўйидагича жавоб берса, 31 балл қўйилади:

матндаги бештагача сўзни ўқишда хато қилса — 10 балл;

матннинг 80 фоизини таржима қилса — 9 балл;

матннинг (мақоланинг) фақат умумий мазмунини гапириб берса — 4 балл;

нутқни грамматик ва лексик жиҳатдан шакллантиришда олтигагача грамматик, олтигагача лексик хато қилса — 4 балл;

талаффуз қилишда олтигагача фонетик хато қилса — 2 балл;

ёзганда олтигагача орфографик хато қилса — 2 балл;

берилган мавзуни билмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса, жумлани грамматик таҳлил қилиб бера олмаса — 0 балл қўйилади;

г) агар номзод қўйидагича жавоб берса, 16 балл қўйилади:

матндаги еттигагача сўзни ўқишда хато қилса — 6 балл;

матннинг 70 фоизини таржима қилса — 6 балл;

нутқни грамматик ва лексик жиҳатдан шакллантиришда саккизтагача грамматик, саккизтагача лексик хато қилса — 2 балл;

талаффуз қилишда саккизтагача фонетик хато қилса — 1 балл;

ёзганда саккизтагача орфографик хато қилса — 1 балл;

матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олмаса, берилган мавзуни билмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса, жумлани грамматик таҳлил қилиб бера олмаса — 0 балл қўйилади;

д) агар номзод қўйидагича жавоб берса, 4 балл қўйилади:

матннинг 60 фоизини таржима қилса — 4 балл;

матндаги саккизтадан ортиқ сўзни ўқишда хато қилса ёки умуман ўқий олмаса, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олмаса, берилган мавзуни билмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса, жумлани грамматик таҳлил қилиб бера олмаса, нутқни грамматик ва лексик жиҳатдан шакллантиришда тўққиз ва ундан ортиқ грамматик, тўққиз ва ундан ортиқ лексик хато қилса, талаффуз қилишда тўққиз ва ундан ортиқ фонетик хато қилса, ёзганда тўққиз ва ундан ортиқ орфографик хато қилса — 0 балл қўйилади;

е) агар номзод қуйидагича жавоб берса, 2 балл қўйилади:

матннинг 50 фоизини таржима қилса — 2 балл;

матндаги саккизтадан ортиқ сўзни ўқишда хато қилса ёки умуман ўқий олмаса, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олмаса, берилган мавзуни билмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса, жумлани грамматик таҳлил қилиб бера олмаса, нутқни грамматик ва лексик жиҳатдан шакллантиришда тўққиз ва ундан ортиқ грамматик, тўққиз ва ундан ортиқ лексик хато қилса, талаффуз қилишда тўққиз ва ундан ортиқ фонетик хато қилса, ёзганда тўққиз ва ундан ортиқ орфографик хато қилса — 0 балл қўйилади.

6. Тест синовлари мажмуасида фан бўйича 39,6 балл қўйилиши назарда тутилган бўлса:

а) агар номзод қуйидагича жавоб берса, 39,6 балл қўйилади:

матнни ўқишда хато қилмаса — 11,6 балл;

матнни тўлиқ (100 фоиз) таржима қилса — 12 балл;

матннинг (мақоланинг) мазмунини тўлиқ гапириб берса — 12 балл;

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволга ҳам жавоб берса — 4 балл;

б) агар номзод қуйидагича жавоб берса, 29 балл қўйилади:

матндаги иккитагача сўзни ўқишда хато қилса — 8 балл;

матннинг 90 фоизини таржима қилса — 10 балл;

матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб берса — 8 балл;

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг биттасига жавоб берса — 3 балл;

в) агар номзод қуйидагича жавоб берса, 17 балл қўйилади:

матндаги бештагача сўзни ўқишда хато қилса — 5 балл;

матннинг 80 фоизини таржима қилса — 8 балл;

матннинг (мақоланинг) фақат умумий мазмунини гапириб берса — 4 балл;

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса — 0 балл қўйилади;

г) агар номзод қуйидагича жавоб берса, 8 балл қўйилади:

матндаги еттитагача сўзни ўқишда хато қилса — 2 балл;

матннинг 70 фоизини таржима қилса — 6 балл;

матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олмаса, берилган мавзуни билмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса — 0 балл қўйилади;

д) агар номзод қуйидагича жавоб берса, 4 балл қўйилади:

матннинг 60 фоизини таржима қилса — 4 балл;

матндаги саккизтадан ортиқ сўзни ўқишда хато қилса ёки умуман ўқий олмаса, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса — 0 балл қўйилади;

е) агар номзод қуйидагича жавоб берса, 2 балл қўйилади:

матннинг 50 фоизини таржима қилса — 2 балл;

матндаги саккизтадан ортиқ сўзни ўқишда хато қилса ёки умуман ўқий олмаса, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса — 0 балл қўйилади.

3-боб. Яқуний қоидалар

7. Номзоднинг жавоблари қабул қилингандан сўнг, комиссиянинг ҳар бир аъзоси номзодга ўзининг баҳосини қўяди. Комиссия аъзолари томонидан қўйилган баҳолар муҳокама қилиниб, ҳар бир номзодга имтиҳон натижалари бўйича мазкур Мезонларнинг иловасига мувофиқ шаклдаги қайдномага ўртача арифметик балл қўйилади.

8. Қўйилган барча баллар умумлаштирилиб, номзоднинг ўртача арифметик баҳоси аниқланади. Натижалар шу куннинг ўзида номзодларга эълон қилинади.

Ягона кўп балли имтиҳон тизими бўйича чет
тилидан имтиҳонни баҳолаш мезонларига
ИЛОВА

**Чет тилидан имтиҳон натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА**

Номзод _____
(Ф.И.О.)

Топшириш жойи _____

Топшириш санаси: 20__ йил «____» _____.

Имтиҳон топширилган тил: _____.

Номзодга қўйилган балл _____.

Имтиҳон комиссияси раиси:

(имзо)

(унвони ва Ф.И.О.)

Имтиҳон комиссияси аъзолари:

(имзо)

(унвони ва Ф.И.О.)

(имзо)

(унвони ва Ф.И.О.)

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(қабул комиссияси раисининг унвони,
Ф.И.О. ва имзоси)

20__ йил «__» _____

ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ
қабул комиссияси йиғилишининг
ПРОТОКОЛИ
_____-сон

20__ йил «__» _____

(йиғилиш ўтказилган ҳудуд номи)

Раислик қилувчи:

(қабул комиссияси раисининг унвони ва Ф.И.О.)

Қатнашганлар:

(қабул комиссияси аъзолари)

(қабул комиссияси аъзолари)

КУН ТАРТИБИ:

(номзодларни ўқишга қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида)

Олий ҳарбий божхона институти қабул комиссияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган тест синовлари натижаларини кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига асосан **қарор қилади:**

_____ мутахассислиги бўйича танлов натижалари:

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Номзоднинг махсус коди	Тест синовларида тўплаган балли	Имтиёз	Умумий балл	Ўқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги ҳақида ёзув
1.						
2.						

107-108-моддалар**— 164 —****9 (665)-сон**

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Номзоднинг махсус коди	Тест синовларида тўплаган балли	Имтиёз	Умумий балл	Ўқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги ҳақида ёзув
3.						
4.						
5.						
6.						
...						

Қабул комиссияси
масъул котиби:

(унвони, Ф.И.О.)

Қабул комиссияси аъзолари

(унвони, Ф.И.О.)

(унвони, Ф.И.О.)